



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 28 июнь, № 134 (8196)

Сешанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Қадрли дўстлар! Аввало, сиз азизларни, соҳа ривожига бугун ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётган муҳтарам фахрийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва энг эзгу тилақларимни изҳор қиламан.

Биз оммавий ахборот воситалари ходимлари тимсолида ўзининг чуқур билим ва тажрибаси, ноёб истеъдод ва маҳоратини халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиқлик ва ошқоралик муҳитини мустаҳкамлаш, глобал ахборот маконида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдек олжаноб ишларга бағишлаган жонкуяр ва заҳматкаш инсонларни кўрагимиз.

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги ва муҳим босқичига қадам қўяётган ҳозирги даврда медиа соҳаси вакиллари — журналист ва муҳаррирлар, режиссёр ва операторлар, блогерлар, теле-радио каналлар, газета ва журналлар, нашриёт ва босмахона ходимлари Ватанимизнинг демократик қиёфасини шакллантириш, уни дунёга таранмув этишига беқисс ҳисса қўшиб келаётганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Муҳтарам юртдошлар! Кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини халқ билан мулоқотнинг ишончли кўпригига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобатни ривожлантириш, медиа тармоқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, устоз — шогирд аъёнларини кучайтириш, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай юксак эътибор туфайли юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 2016 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга ортиб, 1962 тага етгани диққатга сазовордир. Айниқса, хусусий медиа воситалари ҳаётимизда кенг ўрин эгаллаб бораётгани жамиятимизда фикрлар хилмаҳиллигини таъминлашда, туб ислохотларни амалга оширишда, жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, телевидение ва интернет тармоқини интеграция қилиш мақсадида замонавий интернет платформаси ва унинг мобиль иловаси ташкил этилгани, миллий ахборот маконимизда интернет нашрларининг сони сўнгги 6 йилда салкам икки баробар кўпайиб, 677 тага етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Натижада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ахборот манбалари янада ортиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларга тезкор муносабат билдириш, турли мавзулар бўйича очиқ, холис ва танқидий фикр билан чиқишда

катта имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ахборот соҳасида миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, миллий журналистикамиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш — олдимизда турган долзарб вазифадир.

Ўзбекистон медиа компаниялари ҳам жаҳон ахборот майдонини муносиб ўрин эгаллаб, глобал сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга интилоқдалар.

Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, илғор хорижий тажрибалар, замонавий ахборот технологиялари, серкйрра таҳлил усулларини ўзлаштириб, доимо изланиб яшаш, миллий журналистикамизнинг янги авлодини тарбиялаш зарур.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топган бундай юқори марраларга эришиш учун бизда барча ресурс ва салоҳият мавжуд.

Фуқароларимиз учун ахборот соҳасида қўлай имкониятлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини кучайтириш — яна бир устувор вазифамиздир.

Шуни қайд этиш зарурки, соҳанинг моддий-техник базасини яхшилаш, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга бундан буён ҳам доимий эътибор қаратамиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш бўйича кунини кеча қабул қилинган Президент қарори бу

борада муҳим қадам бўлди. Унга кўра оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, эҳтиёжманд ва ёш журналистларни уй-жой билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида Матбуот уйлари қўйиладиган ҳолати танқидий ўрганиб чиқилиб, янги бинолар барпо этиш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, жаҳонда эътироф этилган демократик мезонларга кўра матбуот эркинлиги — барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар орасида алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, бу соҳада ютуқлар билан бирга ҳали муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқлар орқали баъзи жойларда оммавий ахборот воситаси ходимларига менсимай қараш, уларнинг ўз ваколати доирасида эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраётгани ҳақида хабарлар тарқалаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги доимо Бош қомусимиз ва қонунларимиз ҳамда Президент ҳимоясида бўлади.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш бўйича кунини кеча қабул қилинган Президент қарори бу

қилиш — бу демократик ислохотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига путур етказиш сифатида баҳоланиши керак. Суд ва прокуратура органлари бизга мутлақо ярашмайдиган бундай салбий ҳолатлар бўйича қатъий чоралар кўриши лозим.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсан чикармаслигимиз керак: барчамиз демократия деб аталган буюк мактабнинг ўқувчиларимиз. Бу борада ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз зарур. Фарзандларимизни айни шу руҳда тарбиялашда журналистика соҳаси вакиллари, муҳтарам фахрийларимиз ўзларининг бой тажрибаси ва ибратли фазилатлари билан алоҳида намуна кўрсатадилар, деб ишонаман.

Хурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари! Бугунги байрам муносабати билан соҳа фойдаларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани, ҳеч шубҳасиз, барча ижодкорларни янги-янги марралар сари илҳомлантириб, уларга катта ғайрат ва шижоат бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азиз қалам аҳлини кўтулғу байрамнинг билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда улкан ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва файзу борака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШ ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 июнь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Бу йил пойтахтимизда қарийб 4 миллиард доллар инвестиция ҳисобига 500 дан зиёд лойиҳалар режалаштирилган. Бугунги кунга келиб шундан 1 миллиард 500 миллион доллар ўзлаштирилган. 120 миллион долларлик 71 та лойиҳа ишга туширилиб, 5 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилган. Умумий миқдори 2 миллиард 300 миллион долларлик яна 450 та лойиҳа бўйича иш олиб борилаётган.

Давлатимиз раҳбари биринчи ярим йилликдаги кўрсаткичлар етарли эмаслигини таъкидлаб, кечикаётган лойиҳаларнинг муаммосини ҳал қилиш, инвестициялар жалб этишни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдиротда “Янгиҳаёт” индустриал технопаркида олиб борилаётган ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 4 февралдаги қарорида белгиланган эди. Ушбу технопарк учун 210 гектар майдон ажратилган. Бош режа ишлаб чиқилиб, бугунги кунда муҳандислик-коммуникация тармоқларини барпо этиш бошланган.

Президентимиз бу ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳим лойиҳа эканини таъкидлади.

— Ҳеч қайси давлатда тадбиркорга энгиллик яратмасдан туриб, натижага эришиб бўлмайди. Бу технопарк тадбиркорлар учун қўлай майдон бўлиши керак. Импорти ўрнини босадиган, кўпроқ одамларни иш билан таъминлайдиган лойиҳаларга эътибор қаратиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Биринчи босқичда технопаркнинг 110 гектар майдони аукционда сотилган. Уларда ошхона жиҳозлари, қандолатчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари, сантехника товарлари, полиэтилен ва металл буюмлар ишлаб чиқариш лойиҳалари жойлаштирилган. Умуман, технопаркда ташкил этиладиган корхоналарда 20 минг иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Тошкентда хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича ҳам имкониятлар катта. Ўтган беш ойда бу соҳада 5 минг 500 та лойиҳа доирасида 183 мингта иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари аҳолининг талаби ва имкониятлари ўсиб бораётганини, шундан келиб чиқиб хизматларни кенг кўламли ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Ёшларни бу соҳа бўйича ўқитиб, хизматлар сифатини ва бандликни ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошқоралик тамойилларини мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган демократик ислохотларни амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келаётгани, глобал ахборот майдонини миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги яратувчилик ва янгилаш жараёнлари, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, соҳа учун малакали профессионал кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони билан
Максудов Мухаммаджон — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори
Матякубова Назира Тохтабаевна — Қорақалпоғистон Республикаси «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири
Тошев Фармон Исхакович — Самарқанд вилояти «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан
Худойкулов Мухтар — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг медиа назарияси ва амалиёти кафедраси профессори
Шералиев Раҳматилла — Тошкент вилояти «Чирчиқ тонги» газетаси бош муҳаррири

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошли-

гини янада ошириш, журналистика соҳасини ривожлантириш мақсадида:
1. Белгилаб қўйилсинки:
а) 2022 йил 1 июлдан бошлаб 2025 йил 1 июлга қадар: оммавий ахборот воситалари фойда солигини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича бўлади, реклама хусусиятига эга бўлган оммавий

ахборот воситалари бундан мустасно;
Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган матбаа ускуналари, замонавий фото ва радиотелевизион ускуналар ҳамда қроғоз божхона божидан озод этилади;

(Давоми 2-бетда).

ШУҚУҲ

ОЧИҚЛИК, ОШҚОРАЛИК ВА ФИКРЛАР ХИЛМАХИЛЛИГИ КЎЗГУСИ

Пойтахтимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.



Ҳосер ХАЙРАҲОВ (ўса) омма сурат.

Янгилаётган Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил ислохотлар олиб борилмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини, сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, давлат

органларининг очиқлиги, ошқоралигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

Тизим ходимларининг бу галги касб байрами мамлакатимизда тарихий сиёсий жараён — конституциявий ислохотлар кечаётган бир паллада нишонланмоқда.

3

Мулоҳаза

«БУ — МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ»

Нима учун ҳар бир ватандошимиз Асосий Қонунни юксак гуруҳ билан ўзиники, деб айта олади?!

Газетанинг ҳар бир сони ўзига хос. Унда ҳаммиса қайноқ янгилик ва хабарлар, фикр-қарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган матбаа ускуналари, замонавий фото ва радиотелевизион ускуналар ҳамда қроғоз божхона божидан озод этилади;

Англаганингиздек, сўз нашрларимизнинг ўтган сониде босилган ўта долзарб, таъбир жоиз бўлса, муқаддас “Йўл харитаси” ҳақида бормоқда. Жума кунини ярим тунда чоп этилиб, шанба тонгида муштарийлар қўлига етиб борган олти саҳифали “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари чинакам тарихий ҳужжатга айланди, десак, муболага эмас. Айна бизнинг газеталаримизда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси босилиб, унинг умумхалқ муҳокамасига старт берилди.

4

Жамоатчилик эшитуви

УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хабарингиз бор, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси шу йилнинг 25 июнидан 5 июлигача умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари фаоллари биринчилардан бўлиб мазкур қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасини бошлаб берди, яъни мазкур тадбир жамоатчилик эшитуви шаклида ўтказилди.

3

«БУ — МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ»

Нима учун ҳар бир ватандошимиз Асосий Қонунни юксак ғурур билан ўзиники, деб айта олади?!



Ретра, Тузуқлар, Статут

“Хуқуқ тизимининг ўзагини қандай қилиб яратиш керак?” деган савол одамларни минг йиллар аввал ҳам ўйлантириб келган. Хукмдорлару донишмандлар, файласуфлару лашкарбошилар давлатнинг ўз фуқаролари муносабатларини тартибга солишни асосий қоидаларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилганлар.

мартаба ва макомини мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият, ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортинга даввоғарлик қила олмади”.

лашди. Бугун халқлар ва давлатлар ўз келажаги ҳақида ҳар қачонгидан ҳам жиддий кайғурмоқда. Шу боис Президентимиз кун тартибига ўта муҳим саволларни қўймоқда. Яъни: айни ҳал қилувчи паллада инсоннинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, унинг қадр-қиммати қандай таъминланши керак? Қандай сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий тамойиллар, қадрият ва манфаатлар биз учун устувор бўлиши лозим? Ва конституциявий ислохот оддий одамлар ҳаётига, аҳоли фаровонлигига таъминлаш, давлат ва жамият ривожига қандай таъсир кўрсатади?

соҳасини қамраб олади, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлигини биринчи ўринга қўяди, — деб ҳисоблайди. Прогнозлаш ва Европада хавфсизлик институти эксперти, Сорбонна университети профессори Жан-Антуан Дюпра. — Бир вақтнинг ўзига ушбу янгиланишлар қонун чиқарувчи, ихро ва суд ҳокимиятининг бўлиниш принципини таъминлашга хизмат қилади.

— Ўзбекистон Конституциясига қўшимчалар киритиш чукрўйланган ва асосланган қарор бўлиб, унинг фуқаролари учун ва уларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган, — деб шарҳлайди мамлакатимиздаги туб ҳуқуқий ислохотларни Шанхай ҳорийи тиллар университети қошидаги Россия ва Марказий Осиёни ўрганиш марказининг директори ўринбосари Ян Бо. — Мамлакатнинг 30 йиллик мустақил тараққиёти эришилган ютуқларни англаш ва янги уфқларни белгилаш, тўртинчи ўйилликка қучли, мустақил ва тараққий этган давлат сифатида залварли сиёсий салоҳият билан қадам қўйиш учун замин яратади.

ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун ана шу ва яна бошқа кўлаб саволларга жавоб бўлиб ҳисоб қилади.

катланиш ҳуқуқи, хусусий мулк дахлсизлиги каби нормаларни келтиради. Шунингдек, оилаларни, имконияти чекланган шахслар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини жуда муҳим, деб атайди.

Тўртинчи ўн йиллик учун сиёсий салоҳият

Бизнинг мамлакатимиз ҳам жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас бўлаги. Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий трансформация жараёнлари ҳалқ менталитети, анъаналари, жуғрофий жойлашуви, ҳокимият тизимисига ва амалга оширилган ислохотларнинг ўзига хошлиги билан алоҳида аҳолди турса-да, амалда умумий тенденцияларга бўйсунди.

— Ўзбекистон Конституциясига қўшимчалар киритиш чукрўйланган ва асосланган қарор бўлиб, унинг фуқаролари учун ҳолда уларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган, — деб шарҳлайди мамлакатимиздаги туб ҳуқуқий ислохотларни Шанхай ҳорийи тиллар университети қошидаги Россия ва Марказий Осиёни ўрганиш марказининг директори ўринбосари Ян Бо. — Мамлакатнинг 30 йиллик мустақил тараққиёти эришилган ютуқларни англаш ва янги уфқларни белгилаш, тўртинчи ўн йилликка қучли, мустақил ва тараққий

— Ўзбекистондаги конституциявий ислохотнинг муҳимлиги шундаки, у жамият ҳаётининг барча соҳасини қамраб олади, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлигини биринчи ўринга қўяди, — деб ҳисоблайди Прогнозлаш ва Европада хавфсизлик институти эксперти, Сорбонна университети профессори Жан-Антуан Дюпра. — Бир вақтнинг ўзига ушбу янгиланишлар қонун чиқарувчи, ихро ва суд ҳокимиятининг бўлиниш принципини таъминлашга хизмат қилади.

си ва давлат қурилишининг асосий тамойиллари билан тўлдирилган. АҚШнинг етти моддадан иборат Конституциясига эса 27 та тузатиш киритилган ва улар ҳужжатнинг ажралмас қисмига айланган.

Хизмат муддати чекланган

Кўриниб турганидек, конституцияларни такомиллаштириш жараёни анчагина кенг тарқалган амалиёт. Бунинг устига, баъзан давлат ҳаёт фаолиятини тартибга солиш қоидаларига тузатишлар киритиш ва сиёсий қарорлар қабул қилишга, бошқача айтганда — сиёсий жиҳатдан тартиб ўрнатишга тўғри келади.



этан давлат сифатида залварли сиёсий салоҳият билан қадам қўйиш учун замин яратади.

Бундай ёндашув, давлатимиз раҳбари айтганидек, “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи — халқдир” деган тамойилга тўла мос келади. Шунда ҳар бир ватандошимиз “Янги Ўзбекистон Конституцияси — менинг Конституциям”, деб юксак ғурур билан айта олади.

— Ҳар қайси давлат, аниққаса, ҳар қайси жамият — доим ривожланиб, такомиллашиб борадиган тир қорганларидир, — дейди “Жанубий Кавказ” сиёсатшунослари клуби раҳбари Ильгар Велизаде. — Бу ривожланишни чукрў хис қиладиган етакчилар жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат ўз вақтида муносабат билдиришиди. Қанда тарихида муваффақиятли ва самарали ислохотларни амалга оширишади. Ўзбекистоннинг сиёсий раҳбарияти кейинги йиллар давомида ўз жамиятини эҳтиёжлар ва кутилмаларга мос янгиланишлар йўлидан қадим борди.

Ишонч — бебаҳо бойлик

Хуқуқ тизимини изчил ислох қилиш муҳимлиги ҳақида фикр билдирган экспертлар, албатта, ҳақ. Тан олиш кераки, кейинги вақтда жамиятда Конституция ҳақида гапириш камайди, у, асосан, қабул қилинган қонуннинг навабдаги санаи олдида эсланапти. Норма ижодкорлиги жараёни ва суд амалиётида ҳам унд камироқ танилмоқда. Бу эса Асосий Қонунни расмий ҳужжатга айлантириб қўйяпти... Аммо Конституцияни янгиланган давлатнинг энг асосий ҳужжати қундалиқ ҳаётга татбиқ этиш, ҳар бир фуқарога ўз хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун аниқ кўрсатма беришда бекуёс ўрин тутади.

— Мамлакат Конституциясини янгиланган бўлишига ўтказилган референдум жамиятда ишонч муҳити ва ижтимоий адолат туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган, — дейди “Россия сегодня” халқро ахборот агентлиги муҳбири, асли ўзбекистонлик Искандер Хисамо. — Мен Френсис Фукуяма билан таниш эдим ва унинг “Ишонч” асарини жуда қадрлайман. Унда шундай фикр “қизил чизик” бўлиб ўтадики, мамлакат ичидаги ишонч — бебаҳо капитал бўлиб, сарф-харажатларни камайтиради, турли ислохот ва ютуқларни таъминлайди.

И. Хисановнинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари жамият, фуқароларнинг турли қатламлари ўртасидаги ишонч ва бирдамликнинг юқори даражасини таъминлаб беради. Улар Ўзбекистон иқтисодиёти ва халқига кўкракни тўлдириб нафас олиш ҳамда ўзининг улкан, залварли имкониятларини рўёбга чиқариш имконини беради. Ўзбекистон — Марказий Осиё минтақасидаги энг истиқболли мамлакат. Фуқароларга йўналтирилган конституциявий ташаббуслар тараққиёт учун узоқ муҳит яратишга хизмат қилади.

Шубҳасиз, янгиланган Асосий Қонунимиз кўзқаддаги тараққиёт стратегияларининг ҳаётга татбиқ этилиши, ҳалқ фаровонлигининг юксалиши, инсон қадр-қиммати ва халқ манфаатларини олий қадрият ҳисобланган янги Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашида ишончли хуқуқий асос бўлади.

Ўткир РАҲМАТ.

Complex block containing contact information for 'Халқ сўзи' newspaper, including address, phone numbers, website, and subscription rates.